**Туман, шаҳар, вилоят, республика ташкилотлари ва ҳудудий бирлашмалар ҳисобот-сайлов конференциялари, курултойларига делегатлар сони, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари сон таркиби юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг**
**ТАВСИЯЛАРИ**

Ҳисобот-сайловлар конференциялари, курултойлар ишчанлик руҳида, юқори савияда, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аъзо ташкилотларга қуйидагиларни тавсия этади:

*1. Конференция, қурултойларга вакиллик нормасини белгилашда қуйидаги меъёрларга амал қилишни:*

**а) касаба уюшмалари туман, шаҳар ташкилотлари конференцияларига:**

■ **10** мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган туман, шаҳар касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **100** нафаргача делегат;

■ **5** мингдан **10** минггача касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган туман, шаҳар касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **75** нафаргача делегат;

■ **5** минггача касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган туман, шаҳар касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **50** нафаргача делегат.

**б) касаба уюшмалари ҳудудий (вилоят, Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳар) ташкилотлари конференцияларига:**

■ **300** мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган ҳудудий касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **120** нафаргача делегат;

■ **200** мингдан **300** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган ҳудудий касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **110** нафаргача делегат;

■ **100** мингдан **200** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **100** нафаргача делегат;

■ **100** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари учун - **80** нафаргача делегат.

**в) Касаба уюшмалари ташкилотлари Қорақалпоғистон Республика, вилоят, Тошкент шаҳар бирлашмалари конференцияларига:**

■ **500** мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бирлашмалар учун - **150** нафаргача делегат;

■ **300** мингдан **500** минггача касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган бирлашмалар учун - **125** нафаргача делегат;

■ **300** минггача касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган бирлашмалар учун - **100** нафаргача делегат;

**г) Касаба уюшмалари қурултойларига:**

■ **1млн**.дан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган касаба уюшмалари учун - **150** нафаргача делегат;



■ **500** мингдан **1млн**.гача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган касаба уюшмалари учун - **125** нафаргача делегат;

■ **500** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган касаба уюшмалари учун - **100** нафаргача делегат.

*2. Сайлаб қўйиладиган касаба уюшмалари органларининг сон таркибини белгилашда қуйидаги меъёрларга амал қилишни:*

**а) Туман, шаҳар касаба уюшмаси ташкилотлари учун:**

■ **10** мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида - **35** нафаргача туман, шаҳар кенгаши аъзоси ва **11** нафаргача раёсат аъзоси;

■ **10** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида - **25** нафаргача туман, шаҳар кенгаши аъзоси ва **7** нафаргача раёсат аъзоси;

**б) Касаба уюшмалари ташкилотлари Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар бирлашмалари учун:**

■ **500** мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида - **41** нафаргача бирлашма кенгаши аъзоси ва **11** нафаргача раёсат аъзоси;

■ **300** мингдан **500** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида - **35** нафаргача бирлашма кенгаши аъзоси ва **11** нафаргача раёсат аъзоси;

■ **300** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида - **31** нафаргача бирлашма кенгаши аъзоси ва **9** нафаргача раёсат аъзоси.

**в) Касаба уюшмалари учун:**

■ **1млн**.дан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида- **45** нафаргача Республика кенгаши аъзоси ва **13** нафаргача раёсат аъзоси;

■ **500** мингдан **1млн**.гача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида- **41** нафаргача Республика кенгаши аъзоси ва **11** нафаргача раёсат аъзоси;

■ **500** минггача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида- **35** нафаргача Республика кенгаши аъзоси ва **9** нафар раёсат аъзоси.

**3.** Туман, шаҳар ташкилотларидаги, тармоқ касаба уюшмаларидаги касаба уюшма аъзолари, шунингдек ҳудудий бирлашмалар бирлаштирган касаба уюшмалари аъзолари сонидан келиб чиқиб, тафтиш комиссияларини тегишли равишда **5-7** кишидан иборат этиб сайлаш тавсия қилинади.